

МУСОБАҚА — МИЛЛИОНЛАР ИЖОДИ

Ишчи минбари

САБОК

Корхона йилнинг фасл-ларига, хусусан қиш мавсумига тайёрлаш ишлаб чиқаришдаги муваффақиятларнинг гаровидир. Албатта, қиш қишчилигини қилади. Унга лоқайд қараб бўлмайди. Ёрин-соинли, изгиринли кунлар иш жараёнини кўп даражада қийинлаштиради. Кўп йиллик кўрганларим ва бошдан кечирганларимга асосланиб айта оламани, қишнинг қаҳратон кунларига ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрмай туриб кўзланган маррага эришиб бўлмайди. Корхонамиз меҳнат аҳлининг фикри ана шундай.

Шу сабабли бу йил қишга ҳозирликни анча барвақт бошладик. Уни одатдагидан олдинроқ тугаллаш чораларини кўряпмиз. Тайёргарлик ишларида ишчи ва хизматчиларнинг кўпчилиги фаол қатнашмоқда. Ремонт, реконструкция, муҳофаза ишларини ўтган йилги ва олдинги йиллардаги сабоқлардан хулоса чиқарган ҳолда таъминот ишларида ҳар қандай ҳаракат қил-япмиз.

Шу ишга жалб этилганларнинг ҳаммаси астойдил қиришишгани туфайли ҳозирлик яхши борапти. Асословлик ҳеҳи, бош меҳаника бўлими ва бошқа

қисмлардаги биноларни ремонт қилиш тугалланди. Иситиш системалари тўлиқ соғайиб қўйилди. Катта-ки-чик бинолар деразаларига ойналар ўрнатилди, тозаланди, тирқишлар маҳкам берилди. Ёритқичлар тўлиқ янгиланди. Дераза-ошиқлар, ускуналарни бўш тугалланди. Хуллас, юмушларнинг 80 проценти амалга оширилди. Қиш мавсуми учун керакли миқдорда ёқил-ги, мойлаш материаллари,

- Ҳозирликда ҳар дам ғанимат.
- Илтимослар инobatга олиниш керак!

зарур асбоб-ускуналар жам-гарилди.

Энг муҳими, ишчи ва хизматчилар учун қўлай шароит яратишга алоҳида эъти-бор берилляпти. Улар иссиқ пойафзаллар ва бошқа воси-талаб билан таъминланди.

Олдинги қишда баъзи иш-лар пўвнига етказилмагани учун маълум қийинчиликлар туғилган эди. Улардан те-гишли хулоса чиқариб, би-ноларнинг томларини пухта ремонт қилдик. Корхонанинг сув таъминоти системасини тақомиллаштирдик.

Қишга ҳозирлик кўришда, мавсумни ўтказишда ўзи-мизга боғлиқ бўлмаган баъ-зи жиҳатлар ҳам бор. Бу масалада тегишли идоралар ва таъминотлар ёрдамига умид боғлашдан бошқа илож йўқ. Заводимиз бугун асо-сан қўшни гидролиз заводи-дан олади. Лекин, афсуски, қўшнимиз биз билан яхши шерикчилик қилмаляпти. Го-ҳо узилишлар юз беради, кўпинча буг қарийб 5—6 барабар қамайиб кетади.

Ахвол шундай бўлса-да, ҳозирча ўзимизнинг қозон-хонамизга эга бўла олма-ямиз. Ҳолбуки, қозонхона за-водимиз учун ниҳоятда зар-рур. Иштиот қурилиши ўзи-ни оқлаши аниқ. Лекин те-гишли идоралар шу ҳақда-ги илтимосларимизни ино-батга олаётганлари йўқ. Бу масалада шаҳар партия ва совет таъминотларининг жи-дий ёрдамига муҳтожмиз.

Қишга тайёргарлик ниҳ-оятда муҳим шидир. Уни мутлақо кечиктириб бўлмай-ди. Шу сабабли бутун қиш-даги ишларимизни яқинлашиб ке-лаётган қиш синовларига ҳо-зирлик кўришда бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қиля-пти.

Николай ВОСТРОВ, Андрияновда «Комму-нар» заводи презерчиси, унда даража Меҳнат Шухрати ордени нишон-дори, КПСС XXVII съез-ди делегати.

ОКТАБРЬ

1986 йил


№ 9-10

(148)

Вақтин бй бермай, ол-ға ҳаракат суръатини ку-чайтириш, халқ хўжалиги, бирлашмалар ва корхо-налар, колхоз ва совхоз-лар ишида... қаҳратон қишда ҳам бўшашувчи-ликка йўл қўймаслик, 1986 йилги план-топиш-риқларнинг сўзсиз ба-жарилишига эришиш — ҳозирги бош вазифадир.

Беш йилликнинг биринчи йили — барча меҳнат коллективлари иши учун синовдир, қайта қуриш амалда қандай бораёт-ганлиги, унинг гоёлари нақадар чуқур гидрок эти-либ, қандай амалга оши-риляётганлигининг имти-хонидир. Бу имтихондан ўтиш — бутун беш йил-ликнинг муваффақиятига замин яратиш демокдир!

(КПСС Марказий Коми-тетининг Совет Иттифо-қи меҳнатчиларига Му-рожаатномасидан)



ТОШКЕНТ. Магистраль газопроводлар Полторацкий линия-ишлар бошқармаси коллектив графидан илдам меҳнат қилмоқда. Ёилнинг газ омборларига тў-лаш 8 ойлик плани 111 процент бажарилди. Газчилар асбоб-ускуналарни қиш мавсумига тайёрлаш ишларида ҳам намуна кўрсатишляпти.

СУРАТДА: газни тозалаш ва қуришти қурилмасининг энг яхши оператори Э. Олтоев.

В. Миленький фотоси (ЎзТАГ).

Муҳбиримиз бонг уради

ЕЛКА ҚИСИБ ҚОЛИШДИ

Олтин куз. Бог-роғлар бол-ға тўлиб, опоқ лўпни пахта-лар бодроқдай очилмоқда. Мавсум дехқони шовирляпти. У ўзининг йил-ун икки ой қилган меҳнати баракасини тош-тарозиде тортиб кўриш-ға, жадаллаштириш даври-нинг дастлабни ҳосилини тез ва соз териб давлатга топ-ширишга ундаляпти. Хўш, пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов пунктлари мавсум-га қандай тайёргарлик кўр-ди? Ҳақиқий ахволни билим-қ учун жойлардаги заводлар ва пунктларга йўл олдик.

III. Ўташев директор бўл-ган Термиз пахта тозалаш заводида етиб келганимизда эрталаб соат ўн ярим эди. Иш соати бўлишига қарамай бу ерда раҳбарлардан ҳеч кимни топа олмадик. Сўн-га заводга қарашли «Ок-тябрь 40 йиллиги» тайёрлов пунктига йўл олдик. Бу ер-да ҳам қоровуллар бош-ли-дан бўлак ҳеч ким топи-мади. Қоровул товаршосу Собир Ойнаев билан тарози-бон Холмурод Асадовларни аллақайлардан топиб ке-лди. Пункт территорияси йф-лос, ҳатто атрофи ўраб ҳам олинмаган, пахтазор ерлар-га туташ жануб томони оч-қ этибди. Ғарб тарафда эса, шундоқкина пахта ғарамла-надиган майдончалар биқин-да заводнинг ёрдамчи хў-жалиги жойлашган.

Мавсумда 11 минг тонна иничча тотали пахта қабул қиладиган тайёрлов пункти-да ахвол шундай, ташвишли! Завод ҳузуридаги Ўзлукбек Азизов мудирилик қилаётган тайёрлов пунктнинг қури-тиш-тозалаш ҳеҳи ҳам мав-сумга тайёр эмас. Цех био-суми авария ҳолатига келиб қолган. Ҳамма жойи ўйлиб-тешилди етибди. Иссиқ ҳаво берадиган қувурлар энди-нига ўрнатилляпти. Ёишонинг бир томонига ахлат уйиб ташланган. «Меҳнат» мар-ка-ли 25 та тозалаш агрега-тидан энди 15 тасига қўл урилган.

— Эҳтиёт қисмлар етиш-майди, подшинниклар йўқ, — дейди зорланиб ремонтчилар бригадирини К. Варламов. Бу-нинг устига заводнинг ре-монтга тўхтаганига бир ҳаф-та ҳам бўлгани йўқ. Ре-монт қачон тугашига қўзи-миз етмайди. Ҳатто ёилни ва мойлов материаллари — содидол, автол, нигрол каби мойлардан бирор грамм ҳам беришмайди.

III. Мамақулов ва Б. Жу-раевлар директор бўлган Ангор ва Шеробод пахта то-залаш заводлари, тайёрлов пунктларида ҳам ахвол бу-ндан дуруст эмас. Бу корхо-налардаги қуришти-тозалаш цехларини кузги-қишқи мавсумга ҳозирлаш ишлари эн-ди-нига бошляпти. 208, 11, 210 рақамли подшинниклар йўқлиги сабабли «Меҳнат» тозалаш агрегатларининг ре-монти тўхтаб турибди.

Ҳаммасидан кўра ачинар-ли ахволга Ленин йўли райо-нидаги пахта тозалаш заводи ва тайёрлов пунктларида дуч келидик. Завод директо-ри Чори Мамақулов ишчи ур-даляй олмаганилиги учун бир неча кун олдин лавози-мидан олиб ташланган. Ўр-нига ҳеч ким тайинланма-ган. Шу боис корхонада меҳ-нат интизоми ҳаддан ташқа-ри бўшашиб издан чиққан. 34 минг тонна пахтага қай-та ишлаб бериш керак бўл-ган бу завод 27 августда ремонт учун тўхтатилган.

Завод ҳузуридаги Темир Ғаниев мудири бўлган тай-ёрлов пунктида ҳам ишлар унда-жўлда. Мавсумда 20 минг тонна пахтага қабул қиладиган ва сақлайдиган бу пунктда ҳали кузги-қиш-қи мавсумга ҳозирлик ва ремонт ишлари бошланган эмас.

— Ўтган йили ҳам қури-тиш-тозалаш цехининг хом ашёдан тупроқ ва бошқа на-рсаларни акратиб оладиган ян-янгиси мослама бирор кун ҳам ишлатилмади, — дейиш-ди афсусланиб емена мастер-лари М. Абдуалимов ва Қ. Хўжакуловлар. Шу боис меҳнат унумдорлиги па-сайди, маҳсулот сифати ёмонлашди, кўп-лаб рекла-мациялар олинди, техноло-гия жараён тўла ишламади.

Завод ва пункт терри-ториясининг катта қисмининг бузилиб қолган механиз-лар, яроқсиз деталлар ва бошқа хил металл парчалари эгалланган.

Хулоса қилиб айтганда, Ленин йўли заводи пахта тайёрловчилари бундан жи-дий хулоса чиқармоқлари, йўл қўйилган хато ва камчи-ликларни зудлик билан бар-тараф этишлари керак.

А. ХАЛИЛОВ, «Совет Ўзбекистони» мух-бири.

УЧ СМЕНАДА

Корхонамиз коллектив тар-моқ ходимларини энергоблок-лар профилактик ремонтини қисқа муддатларда тугатишга даъват эди. Станциямиз меҳ-натчилари қисқа вақт ичиде барча асбоб-ускуналарни қиш мавсумида ишлашга тўла шай ҳолга келтириш мажбурияти-ни олдиди. Бу вазифа фақат-гина ремонтчилардан эмас, балки биз, фойдаланувчилар-дан ҳам катта масъулият та-лаб қиляди.

Ремонтчилар йили кўнларда ишчи уч сменада таъминот этишган. Ун икки энергоблок-нинг армиси профилактик кў-ридан ўтказилди, зарурларни капитал ремонт қилинди. Улар лойка қуваитига етказилди. Биз 2-қозонхона-турбина це-ҳига қарашли 7—12-энерго-блокларга хизмат кўрсатамиз. Қиш синовидан олдин барча кадрлар аттестациядан ўтказ-илмоқда. Авария ҳолатига сабаб бўлувчи камчиликларга барҳам берямиз. Айни вақт-да ремонт-созлаш ишларида ҳам фаол иштирок этаймиз. Назоратчи ва машинистлар-миздан А. Қодиров, О. Ли, Р. Исломов, М. Глазювлар бу ишда ҳам барчага ўрнам бў-лишляпти.

Корхонамизда ёқилги, ва мойлаш материалларини те-жаш, ўз эҳтиёжларимизга кетадиган электр энергияси сарфини қисқартириш юза-сидан социалистик мусобақа-сиз рақобат аниқ. Шу кўнларда меҳнат унумдорлигини ўсти-риш бўйича йил охирига бел-гиланган даражага эришдик.

Қ. МИРСИДИҚОВ, КПСС XXV съезди номи-даги Тошкент ГРЭСи катта машинисти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган энергетик.

УНУМДОРЛИК ОРТАДИ

Фаргона консерва заводи коллектив помидор, бод-рич, мева консервалари, ком-потлар, мурabbo, жем ва шар-батлар ишлаб чиқаришни кў-пайтиришнинг янги резерва-рини ишга солмоқда. Корхо-на ремонтчилари ва монтаж-чилари цехлардаги асбоб-ус-куналарни ўз вақтида тар-тибга келтириб, замонавий по-лит линияларни, сервум дест-гоҳларни ўрнатиди.

Мева-сабзавотларни ташвиш мақсадида пневмотранспор-тлар жорий қилинди. Идишлар-ни ювиш, мурabbo ва же-маларни жойлаш, қопқоқларни беркиртиш ва компот тайёрлаш-ға мўлжалланган янги авто-мат линиялар ишга туширил-ди. Жорий қилинган янгилик-лар ўн бир хил маҳсулот-нинг сифатини кескин яхши-лаш, меҳнат унумдорлигини анча ўстириш имконини бе-рапти.

— Корхонамиз ишчилари бу йил йигирме беш хил ян-ги маҳсулот ишлаб чиқариш-ни ўзлаштирадиган, — дейди завод директори Ф. Бўронов. — Урта Осё, Сибирь, Узоқ Шарқда жойлашган меҳна-ларнинг аҳолисига 52 миллион банка маҳсулот етказиб бе-рилади. Бу аввалги йилдаги-ни нибатан икки ярим марта кўпдир.

Т. ХАМИДОВ, «Совет Ўзбекистони» жа-моатчи мухбири.

ҚИШ СИНОВИ — ИШ СИНОВИ

Мажбуриятларингизни қандай бажаряпсиз?

План — қонун. Уни бажариш шарт. Аммо Наманган консерва заводида плани бажармаслик сурункали касал-ликка айланган. Ваҳолонки, кейинги 20 йилда директор тўққиз марта ўзгаририлди.

Шунга қарамай, сўнгги уч беш йилда маҳсулот реализацияси плани бирон марта ҳам бажарилмади.

Авалло, корхона ускуна-лари ниҳоятда эски. Авто-мат линиялар унумсиз. Қўл меҳнатини қамайтириш, маҳ-сулот сифатини яхшилаш ка-би долларб вазифалар билан ҳеч ким қизимайди. Бу-нинг ўрнига ҳар йили ёш ой-ларида ёрдамга келадиган ўқувчи, студентлар хашари-га кўз тикишга ўрганиб қо-лишган.

Ахвол шундай бўлгач, планларнинг бажарилиши бу йил ҳам жиддий ҳавф остида. Масалан, ўтган 8 ой-да пландагидан 280 минг сўмлик ёнч уч миллион шарт-ли банка консерва кам тай-ёрланди. Бошқа соҳаларда-ги планлар ҳам унда-жўлда.

Бундан икки йил аввал заводда помидор томат тай-ёрланадиган автомат линия ишга туширилган эди. У ҳар кеча-кундузда 550 тонна по-мидорни қайта ишлаш қу-ватига эга. Лекин линия бирон марта ҳам тўла ку-ват билан ишлатилгани йўқ. Аввало, хом ашё жуда оз миқдорда келтириляётгани-ни айтиб ўтиш керак. Тех-ника ва технология, ишла-тишга нукталай бўлиб қол-гани учун охтиёйга у қадар зарур бўлмаган маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқаришмоқда. Чўчиюки, 10 килограмм си-ғимли туңуна банкаларда тайёрланаётган томат кор-хонада ишлаб чиқариляёт-ган ялли маҳсулотлар ҳам-ки кўпайишига хизмат қи-ляпти. Аммо уларнинг сифа-ти паст. Кўп ситимдаги маҳ-сулотларни аҳоли учна хуш кўриб сотиб олаётгани йўқ.

Колхоз ва совхозлар то-монидан белгиланган миқдор-да ва вақтида етказиб бе-риляпти. Бу ҳам план ба-жаришасига асосий сабаб бўляпти. Шу йилнинг сак-киз ойида Чортоқ райониде-га «Номсолобод» совхозидан 25 тонна ўрнига 13 тон-на, Янгиқўрғон районидеги Улянов номили совхоздан 60 тонна ўрнига 5 тонна, Наманган районидеги Тель-ман номили колхоздан 85 тон-на ўрнига 60 тонна таррак, Қосонсой районидеги «Қосон-сой» совхозидан 33 тонна ўр-нига атғи 200 килограмм бод-рич қабул қилинди. Вақ-лаюк, олча, ўрик, олхўри, шафтоли етказиб бериш пла-лари аса барбод бўлди.

Ш. ХОЛМИРЗАЕВ, «Совет Ўзбекистони» мух-бири.

Ем-хашак тайёрлашни жадаллаштирайлик

ОЗИҚЛИ ОТ ҲОРИМАС...

Областимиз партия комитети бюроси-нинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишларидан бирида районимизда чорва моллар учун ем-хашак жамғарувчилар, чор-вадорлар ва озуқача ишлов бевуричлар ўртасида социалистик мусобақани таъ-кил этишдаги камчиликлар кескин таъ-кил қилинганди. Районимиз колхоз ва совхозлари раҳбарлари, қишлоқ хўжа-лик мутахассислари таъкиддан тегишли хулоса чиқариб, ишда жиддий бурилиш ясаши қиришди.

Районда 25 та зарбдор бригадга уюшган 2,5 минг ишчи меҳнат қил-моқда. 69 та «КНР-1,5» агрегатлари ёрдамида ҳар кўнч ўз хўжалиқларимиз ва қўшни Нишон, Муборак районлари территорияларидан 300 тоннага яқин дағал хашак тўплашмоқда. Ёилдан озуқа 160 дан зиёд автотранспорт ёр-дамида фермаларга пешма-пеш ташиб келтириляпти.

Шу кунгача 43 минг тоннадан кўпроқ ем-хашак тўпланди. Агар яна 2 минг тонна хашак йиғилса, районимизда ҳар бир қорамолни қишда ўн етти озуқа бирлиги билан таъминлаш имкони туғилди. Мана, район газетасида берилган сўнгги маълумотларга назар ташланг: Бугунгача 12500 тонна беда тайёрланди. 11720 тонна сенаж, 6723 тонна силос бостирилди. Бу ишда ай-ниқса, «Социализм», Энгельс номили, Нўра Элобев номили, «Гулистон» кол-хозларининг аъзолари алоҳида жон-бозлик кўрсатмоқдалар.

Районимизда сугориладиган майдон-лар самардорлиги ҳам тобора ошиб борапти. Мавжуд 909 гектар ердаги маккажўхоришордан ўртача 32 цент-нердан «қаҳрабо дон» йиғиб олинди, Мусобақадорш касбдошларим — «Пах-такор» колхозидан Гулчехра Турсунова, Ленин номили колхоздан Холжон Аҳме-

дова бошлиқ маккажўхоричили брига-даларида бу кўрсаткич геитарига 40—45 центнерни ташкил этмоқда. Ҳосил-дан бўшаган майдонларга рапс, жавдар, перко сингари оралиқ экинлари экилди. Маълумотлардан яна шу нарска кў-риниб турибдики, районимиздаги ҳамма хўжалиқларда ҳам дағал хашак жам-ғариш ишлари бир меъёрга борапти, деб бўлмайди. Кейинги кўнларда «Прав-да», «Коммунизм» колхозлари, Киров номили, «Москвич» совхозларида колхоз-лараро бурлоқчилик пунктида озуқа тўплаш ишлари суръати бироз сустлаш-ган. Ишчи қушлари ва техникадан етар-ли фойдаланилмаляпти.

Халқимизда «Қишлоқ — синов», «Озиқли от ҳоримас» деган гаплар бор. Районимизнинг кўпгина хўжалиқларида мўлкадаги ем-хашак жамғарилмайтир, қолверса моллар маҳсулдорлиги сеаи-ларни даражада ошмалляпти. Хусусан гўшт, сут етиштиришда қолоқликка йўл қўйилмоқда.

Тўғри, районимиз агросаноат бир-лашмаси бу йил рўй берган сув кам-чилигига қарши курашиб, 4,5 минг бошга яқин қора молни қишлоқдан бе-талафот олиб чиқиш учун талайгина ишлар қиляпти. Мавжуд 23 та ферма-дан 20 га яқини ремонтдан чиқарили, озуқа цехлари ишга туширилди. Лекин бу билан пировард натижага эришиш, сут ва гўштни қўлайтириш қийин, ал-батта. Энг муҳими, қишлоғта етарли миқдорда кўп ва тўқимли ем-хашак жамғарилиши, чорвадорлар ўртасида ўзаро бешлашиб ишлашни намунали йўл-га қўйишни, мусобақа гоилибарини му-тасил рабатлантириб боришни унутмас-лик керак.

Баҳорат ҲАСАНОВА, Шаҳрсабз районидеги «Социализм» колхозининг маккажўхоричили бри-гадаси бошлиғи.

Шаҳар хўжалиги

ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

сасалари, савдо ва маъиш хизмат корхоналарини қиш-ға беками кўст тайёрлашга қаратилган.

Қарор ва тадбирларнинг қиммати, таъсир кучи улар-нинг самардорлигида, сўз ва иш бирлиги таъминлан-ишидир. Бу ўринда якро-ком белгиланган тадбирлар-нинг анча қисми амалда ба-жарилиганини таъкидлаб ўт-моқ керак. Турар жой фонди капитал ремонтига 740 минг сўм, жорий ремот-ига эса 260 минг сўм, жами бир миллион сўм ажратилган эди. Ўтган саникз ой ичиде бу маблағнинг ярми ўзлаш-тирилди, яъни 500 минг сўм-лик иш бажарилди.

Ҳозирга қадар 12,5 минг квадрат метр ҳажмдаги 14 та турар жой капитал ремонт қилиниб, фойдаланишга бе-рилди. Бундан ташқари 6 та турар жой танлаб ремонт қи-рилиди, 50 та турар жойнинг узеллари алмаштирилди.

Жорий ремонт бўйича планда кўзда тутилган иш-

лар асосан бажарилди. Ички иситиш системасини гидрав-лик тозалаш, электр систе-масини профилактик синов-дан ўтказиш, уларнинг то-ми, дераза-ошиқлари ва зи-напоаяларини ремонт қилиш ишлари амалга оширилди.

Аммо иситиш системала-рини тайёрлаш ниҳоясига етказилмади. «Ургенчком-мунтепознерго» баланси-даги 17 та қозонхонадан ик-титаси мавсумга тайёр эмас. 67-квартал қозонхонаси ре-монт кечикиб кетди. 19-квартал микрорайонидеги ик-кинчи қозонхона қурилиш сўст борапти. Микрорайон аҳолисининг иссиқ сув би-лан таъминланиши шу қо-зонхона ишга туширилиши билан боғлиқдир.

Қозонхоналар қурилиш ва ремонтни оқсатганлигига сабаб шунки, 167-треста қа-дарли 3-қурилиш-монтаж бошқармаси бош пудрат ишларини ўз вақтида бажар-майтир. Бошқари раҳбар-лари кўри учун қувурлар етишмаслигини сусткашлик-

ка баҳона қилиб кўрсатиш-ляпти. Область ремонт-қури-лиш тресты айби билан ис-сиқлик шохобчаларини ре-монт қилиш чўзиб юборил-моқда. Бу трест ўз зиммаси-даги ишнинг эндиғина учдан бир қисмини бажарган, хо-лос.

Корхоналарга қарашли турар жойларда элеватор узелларини ўрнатишда ўзи-миз бўларчилиқка йўл қўйил-моқда. 167-трест, пилла-кашлик фабрикаси, уйсозлик кўмбинати ва бошқа корхо-наларда иссиқлик етказиб беришни оширилган парометрга ўтказиш тадбирлари кейинга суриляпти. Электр таъминоти бўйича белгилан-ган 10 та тадбирдан атғи 4 таси амалга оширилган.

Кўп қаватли биноларнинг ертўраларида сув тўпланиб қолган, бу ҳол инженерлик коммунициялари тез иш-дан чиқаришга, санитария та-лаблари бузилишига сабаб бўлмоқда. Воловод ва канализация шохобчалари-нинг капитал ремонтни ҳам ўлда-жўлда. «Хорезмстрой»

трести, шунингдек, 167. ва 21-трестларга қарашли ту-рар жойларни мавсумга тай-ёрлашда кўп ишлар чала-ярини турибди. Иссиқ сув таъминоти, уйдларнинг нор-мал иситилмаслиги, ремонт сифати ҳақидаги эътироз ва шикоятлар ўринли эканли-гини эътироф қилишгига ки-фия эмас. Бу нуқсонлар так-корланмаслиги учун опера-тив чоралар кўриш лозим.

Ёқилги-энергия ресурсларини тежаб сарфлаш, халқ хўжалиги ва аҳоли эҳ-тиёжларини қондиришда уз-лишша ҳам, исрофгарчилик-ка ҳам йўл қўймаслик қиш мавсумида аниқска, ҳаётини муҳим аҳамиятга эга. Шун-га эришмоқ керакки, моддий ресурсларни иқтисод қилиш бўйича ишлаб чиқил-ган ташкилий-техникавий тадбирлар қозғода қилиб кетмасин, аниқ ва тўла ба-жарилисин.

Аёзли-қировли кунлар узоқ эмас. Қиш қишчили-гини қилиши мумкин. Мав-сумга ҳозирлик кўришда қоз-бериётган нуқсонларга қатъ-иян ҳеҳ қўйиш, қиш фасли имтихондан муваффақиятли ўтишга ҳар томонлама шай бўлиб туриш — шу куннинг муҳим талабидир.

Ф. ЗОХИДОВ, «Совет Ўзбекистони» мух-бири.

